



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

№3

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2024



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 3-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

Бош муҳаррир

ўринбосари:

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

Масъул котиб:

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:

и.ф.д. Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

катта ўқит. Ш.З.Ўразов

Техник муҳаррир:

и.ф.н., доц. А.Н.Холиқулов

Корректор:

PhD С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Тахририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Тахририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти ректори, и.ф.д., профессор

Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

Тахрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,
профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – и.ф.д., профессор.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

М.Р.Болтабаев – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

А.Бектемиров – СамИСИ профессори, и.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ профессори в.б., иқтисод
фанлари доктори

Л.Н.Халикова – СамИСИ профессори в.б., DSc

Ф.А.Сафаров – СамИСИ доценти в.б., DSc

МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Olimjon G‘ayrat o‘g‘li Fattoyev Peculiarities of stock market development	157
Abdulxay Xasanboyevich Xodjayev, Omonilla Saydaminovich Umarov Transformatsion davlatda iqtisodiy xavfsizlikka ta’sir qiluvchi omillar	160
Рохила Баходир қизи Азизова Заргарлик хизматларини кўрсатишда маркетинг стратегияларидан фойдаланиш	163
Shahnoza Abdirashitovna Po‘latova Global iqtisodiyot sharoitida innovatsiyalar va yashil marketing konsepsiyasidan foydalanishning dolzarb masalalari	169
Xilola Nematovna Ochilova O‘zbekistonda oliy ta’lim tizimini boshqarishning o‘ziga xos xususiyatlari	173
Baxtiyor Nabijanovich Dedajanov Operatsion faoliyat, uni boshqarish va yangi tendensiyalar	178
Bezodjon Oblakulov, Mekhrusa Vafokulova Marketing analysis of international brand in the case of “Chartak mineral water jv ltd”	182
ИНВЕСТИЦИЯ	
Заррух Умарович Мухаммадиев Иқтисодиётнинг ривожланишида капитал инвестицияларнинг роли ва аҳамияти	186
МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ	
Жахонгир Расулович Зайналов Проблемы налогообложения прибыли инновационных предприятий	192
Xusnora Dilmurod qizi Umarova Kuchli raqobat sharoitida korxonalar moliyaviy barqarorligini ta’minlash masalalari	196
Abdusamat Abdusaitovich Mamanazarov Bank faoliyatini tartibga solishning zamonaviy mexanizmlarini tatbiq etish	199
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ	
Mamurjon Avazxon o‘g‘li Abdivoxidov Xizmat ko‘rsatish sohasini samarali rivojlantirish yo‘llari	206
ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА	
Jaxongir Baxtiyorovich Quljanov, Shaxnoza Ergashevna Samandarova Katta sonlar qonuni va markov teoremasi	213
ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, ёшларни ўз атрофига жалб этадиган лойиҳа ва ташаббусларга оид айрим таклиф ва тавсиялар	216
ИБРАТЛИ БИТИКЛАР	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Бола тарбияси	218

ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР

Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, ёшларни ўз атрофига жалб этадиган лойиҳа ва ташаббуслар тўғрисида СамИСИ профессори, и.ф.д. Мамаюнус Қаршибанвич Пардаев ўзининг бир гуруҳ шогирдлари (Анвар Холиқулов, Севара Бабаназарова, Ҳилола Очилова, Қудратжон Дилманов, Мехрангиз Мамаюнусова, Ашур-али Латипов, Умиджон Холбоев) билан мамлакатимиз тараққиётига оид айрим тавсияларни ишлаб чиқди ва бир қанча

ТАКЛИФЛАР ШАКЛЛАНТИРИЛДИ

Т/р	Билдирилган таклифлар	Эришилиши режалаштирилган натижа
I. Аҳолига мамлакатда амалга ошириладиган ислохотларни етказиш соҳасида		
1.	Маҳаллада ҳафтанинг бир кунини ва унинг маълум соатини маънавият соати, деб белгилаш керак.	Бунда маҳаллада яшаётган аҳолига мамлакатда амалга ошириладиган ислохотлар тўғрисида қисқа ва мазмун-ли ахборот бериб бориш лозим бўлади. Бунинг учун ҳар бир маҳаллада тарғибот гуруҳини ташкил қилиш мақсадга мувофиқ.
2.	Ҳар бир маҳаллада “Эҳсон кутиси”-ни ташкил қилиш ва уни вақти-вақти билан комиссия бўлиб очиб, шу тариқа маҳалла бюджетига қўшимча манба яратиш	Агар шундай қилинса, ҳар бир маҳаллада қўшимча молиявий манба пайдо бўлади. Бунда аҳоли ўртасида эҳсоннинг аҳамиятини, эҳсон қилган одамлар кўриш ва гапириш учун эмас, балки Аллоҳ кўриб турибди, савобини ўзи беради, деган ишончни сингдириш лозим бўлади.
II. Оилани мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний кадриятларни асраб-авайлаш соҳасида		
1.	Никоҳ олдидан “Оилавий масъули-ят” мавзусида дарсларни ташки қилиш ва уни ўзлаштирганлиги тўғрисида сертификат олишга эришиши лозим. Оила тўғрисида ҳуқуқий, маънавий-маърифий, тиббий мавзуларда дарс бериш мақсадга мувофиқ.	Ушбу дарсда маънавий оламига мансуб куйидагиларни сингдириш лозим: “Келин ва куёв тўй бўлгандан кейин муқаддас оила соҳибларидир. Уларда бошқа танлов бўлмаслиги керак. Энг зўр аёл меники, энг зўр эр меники, деган томоғил асосида яшашга ўргатиш лозим. Агар аёл эрини шох билса, ўзи малика эканлигини ҳис қилиб яшаши керак”.
2.	Оилада ҳалол ва ҳаром, гуноҳ ва савоб тушунчаларни сингдиришга қаратилган тарбиявий ишларни жорий қилиш лозим.	Буларга эришиш учун оилаларга мос оммабоп китоблар чиқариш лозимдир. Уни маҳаллаларда ҳар бир уйга тарқатиш мақсадга мувофиқ бўлади. Буни хомийлар, давлат ёки ҳар бир оила ҳисобидан амалга ошириш мумкин. Бу унча қиммат бўлмайди.
III. Ижтимоий маконда ахборотдан фойдаланиш, ёшларнинг таълим-тарбияси соҳасида		
	Болаларнинг ахборотлардан фойдаланиш бўйича тарбиясида оиланинг ролини ва масъулиятини янада ошириш лозим.	Шу йўл билан интернетда салбий ахборотларни кўришга вақт сарфлаш мумкин эмаслигини, фойдали ахборотларни ажратиш бўйича билимини ошириш ва булардан самарали фойдаланиш йўллари кўрсатиш бўйича оилада масъул киши бўлиши мақсадга мувофиқ.
IV. Аҳоли ва ёшларни ўзига жалб этадиган лойиҳа ва ташаббус йўналишида		
	Оилалар учун инновацион таклифларни ишлаб чиқишнинг турли йўналишлари бўйича грандларни эълон қилиш ва унга	Шу йўл билан аҳоли ва ёшларни ўзига жалб этадиган инновацион ғоялар устида ишлашга рағбат (мативация) бўлади. Ушбу ғояларни амалиётга жорий қилиш механизмини ҳам

	тегишли маблағларни ажратиш ҳам мақсадга мувофиқ.	яратиш мақсадга мувофиқ.
V. Таълим муассасаларида ёшлар маънавиятини юксалтириш йўналишида		
	Барча ўқув юртларида “Тарбия фани”ни жорий қилиш ва таълимнинг ҳар бир босқичида ёшларга мос масалаларни киритиш.	Ҳар бир инсон ўзи олдидаги, оиласи олдидаги, ота-оналари олдидаги, фаолият кўрсатаётган корхонаси (ташкilotи) олдидаги, миллати (халқи) олдидаги, Ватани, юрти олдидаги масъулиятини ўргатиш ва унга садоқат билан амал қилишини сингдириш имконияти яратилади.
	Ёшлар онгига “Ўқувчилик ва талаба-лик инсон ҳаётида такрорланмас бир муқаддас давр” эканлигини сингдир-иш лозим. Умр ўтканчи, барибир ўтади. Шу билан ёшлик ҳам, инсон ҳам шундай бўм-бўш ўтиб кетмас-лиги керак. Буни болаларимиз ёшлигидан тушуниб етишлари лозим.	Агар ёшлар шу даврда вақтдан самарали фойдаланиб билимдон бўлиб етишади-ган бўлса, биринчи галда уларнинг ўзлари, оиласи, миллати, Ватани юксак чўққиларни забт этадиган, дунё ҳавас қиладиган юрт бўлишини англаб ўсадиган ва шунга ҳаракат қиладиган бўлиб ўсади. Инсон ўлиш учун туғулган эмаслиги, балки яшаш учун, бирорта наф келтириш учун туғулганлигини англаган бўлиши лозим.
VI. Ёшларни ёд ғоялардан асраб авайлаш ва оммавий маданиятнинг салбий жиҳатларига қарши курашиш йўналишида		
	“Миллий қадриятларимиз муқаддас”, ва “Оммавий маданият биз учун гуноҳ ва ҳаром” мавзуда доимий равишда тарғиботни амалга ошириб бориш лозим.	Шу йўл билан ёшларни ёд ғоялардан асраб авайлаш ва оммавий маданиятга нисбатан нафрат туйғуларини шакллантириш мумкин бўлади. Шунингдек, бизни адаштирадиган ташқи кучлар борлигини ҳам ёшларга сингдириб бориш керак.
VII. Бошқа соҳаларда		
	Таълим сифатини кўтариш чораларини таълимнинг барча босқичларида амалда жорий қилиш борасида кенг кўламли тадбирларни амалга ошириш бўйича “Йўл хариталари”ни ишлаб чиқиб, унинг ижросини қаттиқ назоратга олиш лозим	Мамлакатимизда билимли, интеллект-туал салоҳиятли, инноватор кадрлар етишиб чиқади ва шу йўл билан Учинчи Ренессансни яратувчи авлод шаклланади. Бу мамлакатимизнинг дунё мамлакатлари орасида ўз ўрнини топишга, қадриятларимизга мос юртга айланишга асос бўлади. Шу йўл билан мамлакатимизнинг рақобатбардошлиги ҳам мунтазам ошиб боради.
	Аҳолининг минимал иш ҳақини камбағаллик чегарасидан чиқадиган даражада белгилаш мақсадга мувофиқ	Агар шундай тартиб ўрнатилса мамлакатимизда кашшоқлар бўлмайди ва аҳолининг фаровонлиги ошиб боради. Аҳолимиз хорижга иш ахтариб кетишдан тўхтаган бўлар эди.
	Ҳар бир маҳаллада “Кўмак жамоат фондини” ташкил қилиш лозим.	Бу фондга ким маҳаллада ўзини-ўзи банд қилган бўлса, унинг солиғи шу фондга келиб тушадиган қилиши ва шу фонд ўзини ўзи банд қиладиган имкониятларни ахтариб топиши ва ишсизларга кўмаклашадиган бўлиши лозим.

Мамаюнус Қаршибаевич ПАРДАЕВ - Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессори, иқтисодиёт фанлари доктори

ИБРАТЛИ БИТИКЛАР

БОЛА ТАРБИЯСИ

Боламизга динни ўргатишда икки муҳим омил: ишонч ва меҳр¹

Мактабда энг яхши кўрган дарсимиз қайси экани эсингиздами? Тахминан, ҳаммининг жавоби бир хил: “Энг яхши кўрган ўқитувчимизнинг дарси!”

Агар бир устозга меҳр қўйиб, ўзимизга яқин олган бўлсак, у берган билимларни ўзлаштириш ҳам осон туюлган. Чунки бунга бошқача ғайрату иштиёқ билан киришганмиз. Севимли ўқитувчимизни хафа қилиб қўймаслик учун уй вазибаларини ҳам қийналсак-да, тайёрлаб келишга уринганмиз...

Шу маънода, бола динни меҳр билан ўрганиши, уни ҳаёт тарзига айлантириши учун икки нарса керак: динни ўргатадиган кишига ишониши ва яхши кўриши. Бу эса фақатгина унга ўрнатилган бўлиш, ўртада меҳр риштасини боғлаш орқали юзага келади.

Боламиз намоз ўқишини хоҳласак, у билан ришта боғлашимиз керак.

Боламиз Қуръон ўқишини истасак, у билан ришта боғлашимиз керак.

Боламиз Аллоҳни яхши кўрсин десак, у билан ришта боғлашимиз керак.

Унинг даражасига тушиб, ўртоқ бўлиш, тушунарли, содда тилда суҳбатлашиш орқали бола билан ришта боғлаш мумкин. Шунинг учун ота-онанинг фарзандлари билан вақтини самарали ўтказиб, уларнинг ҳис-туйғуларига аҳамият бериши, самимий ва содда суҳбат қуриши диний таълимда жуда муҳим ўрин тутаяди. Зеро, бола оиласига ишонч, меҳр ва шу оилалага тегишлиликни ўзида ҳис қилгандагина уйдагиларнинг амалларига тақлид қила бошлайди. Буни фан тилида кўзгу нейрони ҳодисаси дейилади.

Кўзгу нейронлари миянинг олд қисмида жойлашган нейронлар гуруҳидир. 1935 йилда кашф этилган бу нейронлар гуруҳи италиялик олимларнинг маймунлар ва қушлар устида қилган тажрибалари асосида кашф этилган. Маймунлар ва айрим қушлар тақлид қила олишади. Бу тақлид пайтида миянинг баъзи нуқталари фаоллашади. Бу нуқталар ўрганилганида, улар инсонда ҳам мавжудлиги аниқланди. Айниқса, гўдақлар ва кичик ёшдаги болаларда бу бўлимнинг яна ҳам фаоллиги яққол намоён бўлди.

Она жилмайса, гўдақ кулади;

Она жаҳл билан қараса, бола йиғлайди;

Онанинг юзи ғамгинлашса, боланинг лаблари бурилиб, йиғига тайёр бўлади.

Худди шу кўзгу нейронлари бола тарбиясида ишингизни енгиллаштиради. Ота-она боласида кўрмоқчи бўлган фазилатларни амалда кўрсатиши билан кўзгу нейронлари фаоллашади. Гўдақ уларни осонлик билан ўзига сингдиради.

Шу ўринда бир савол туғилади: хўп, агар кўзгу нейронлари тақлидни юзага келтирса, нега унда боламиз ҳамма ишимиздан “нусха кўчира олмайди”?

Мисол учун, намоз ўқийдиган баъзи ота-онанинг боласи нега намоздан қочади?

Нега айрим рўмол ўраган оналарнинг қизлари бошини ёпишни истамайди?

Жавоб шуки, уларнинг фарзандларида ота-оналарига нисбатан ишонч ва меҳр кам.

Чунки тадқиқотлар шуни кўрсатдики, кўзгу нейронларининг ҳаракатга келиши учун бола рўпарасидаги одамга нисбатан кўнглида меҳр туйиши, уни яхши кўриши керак.

Кўзгу нейронларнинг зарар кўришига қилмишларимиздан кўра болага ҳис қилдирганларимиз сабаб бўлади. Бақириб-чақириб, камситиш, айниқса, бегоналар олдида уриб-сўкиш оқибатида гўдақнинг кўзгу нейронларини ота-онасига нисбатан ёпилади. Сабаби уларнинг олдида ўзини ҳафвдан холи ҳис этолмайди. Натижада, болангиз сизни эмас, унга ширин гапириб, авраб-алдайдиган кўчадаги қандайдир бадният кимсанинг таъсири остига ўтиб қолади.

Жуда унчаликка бормаган тақдирда ҳам, истаганингизга умуман эришолмайсиз. Намоз ўқишга қуруқ мажбурлаш, ўқимаса, дўзах билан кўрқитиш, лаёқати ёки хоҳиши бўлмаса ҳам, Қуръон ёдлашга зўрлаш бутунлай акс натижа беради: бола намоз ва Қуръондан совийди, қалбида динга нисбатан нафрат шаклланади. Бу нафрат узоқ йиллар, балки бир умр уни тарқ этмайди. Бунинг айбдори эса фақатгина сиз бўласиз!”

Мамаюнус Пардаев – тўплаб нашрга тайёрловчи.

¹ @irfonuz

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

12.09.2024 йилда теришга берилди. 27.09.2024 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0110А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.